

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc)., доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)., доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKUMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUXORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLAKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARNING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Солиев М.М.

«Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» масалалари бўйича
мувофиқлаштирувчи-методик маркази мустақил изланувчиси
Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси
s.mahmudjon.1202@gmail.com

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ
ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИ (1941–1945 ЙЙ.)**

АННОТАЦИЯ

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941–1945 йй.) стратегик саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари ишчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашда Ишчи таъминоти бўлимларининг роли таҳлил қилинган. Уруш давридаги озиқ-овқат тақчиллиги шароитида марказлаштирилган ва ёпиқ тақсимот тизимининг шаклланиши, уларнинг ҳукуқий ва молиявий мақоми, бошқарув иерархияси ҳамда ёрдамчи хўжаликлар орқали ички ресурсларни сафарбар этиш тажрибаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Ишчи таъминоти бўлими (ОРС), ёпиқ тақсимот тизими, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёрдамчи хўжаликлар, жамоатчилик назорати, озиқ-овқат тақчиллиги.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт орти иқтисодиётини барқарор таъминотини ташкил этиш ва мудофаа аҳамиятига эга корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Озиқ-овқат ва моддий ресурсларнинг кескин тақчиллиги шароитида анъанавий савдо механизмларидан воз кечилиб, аҳолини, энг аввало, саноат ишчиларини мақсадли таъминлашнинг ёпиы шакллари жорий этилди. Ушбу контекстда ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг жисмоний меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида ОРС (Ишчи таъминоти бўлими) тизими ташкил этилди. Мазкур тизим фаълатгина тақсимот органи бўлмай, уруш даври иқтисодиётида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнаткашларни рағбатлантиришнинг муҳим ижтимоий омили сифатида хизмат қилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Иккинчи жаҳон урушида йилларида Ишчи таъминоти бўлимлари (ОРС – рус тилида “Отделы рабочего снабжения”) стратегик саноат ва транспорт корхоналари ишчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни озиқ-овқат билан кафолатли таъминлашда ҳал қилувчи ролни ўйнади. Жамоат озиқ-овқат тақчиллиги шароитида бу тизим марказлашган давлат

ресурсларини энг муҳим ҳарбий-саноат объектларининг ходимларига йўналтирувчи ёпиқ занжирга айланди. ОРС таркибидаги махсус дўконлар ва ошхоналар фақат муайян корхона ишчилари ҳамда уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатиб, карточкали маҳсулотларни тақсимлаш тизимида барқарорликни ва адолатли ҳисоб-китобни таъминлаш имконини берди.

ОРСнинг ижтимоий ҳимоя функцияси нафақат тайёр маҳсулотларни тақсимлашда, балки озиқ-овқат захираларини тўлдиришнинг номарказлашган ёрдамчи усуллари ривожлантиришда ҳам яққол намоён бўлди. Давлат таъминоти етарли бўлмаган вазиятда ОРСлар ўз ихтиёридаги совхозлар, томорқа хўжаликлари ва иссиқхона мажмуалари орқали сабзавот, гўшт ва балиқ маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйдилар. Бу хўжаликлардан олинган қўшимча маҳсулотлар корхона директорларига ишлаб чиқариш режасини мунтазам ошириб бажараётган, оғир шароитда меҳнат қилаётган илғор ишчиларни қўшимча бепул тушликлар ёки озиқ-овқат нормалари билан моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятини берди.

Озиқ-овқат ресурслари тақчиллиги шароитида давлат ўз эътиборини ҳарбий иқтисодиёт билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирди. Бу соҳаларда малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу мақсадда ОРС (ишчи таъминоти бўлими) номи билан танилган ёпиқ таъминот тизими жорий этилди. ОРСлар саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, шунингдек, йирик қурилиш объектлари ҳузурида ташкил қилинди. Уларнинг бошқаруви остида фақат мазкур ташкилотлар ходимларига хизмат кўрсатувчи махсус дўконлар ва ошхоналар фаолият юритарди.

1942 йил мартдан бошлаб мудофаа саноатининг авиация, танк қурилиши ва бошқа стратегик аҳамиятга эга тармоқларида ОРС тизими жорий этилди. Кейинчалик бу ташаббус кўмир, нефть, металлургия ва кимё саноати каби етакчи соҳаларга, шунингдек, ҳарбий-саноат мажмуасининг бошқа муҳим тармоқларига ҳам ёйилди [1; 59].

ОРСнинг асосий мақсади муайян корхонада ишлайдиган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига савдо-маиший хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат эди. ОРС корхоналарнинг мустақил хўжалик ҳисоб-китоб бўлинмалари сифатида фаолият юритиб, алоҳида бухгалтерия балансига эга бўлган ва Давлат банкида ўз банк ҳисобрақамини юритган. Шунингдек, ОРС банк кредитларини жалб қилиш ҳуқуқига ҳам эга эди [1; 60].

1942 йилдан бошлаб корхона ва муассасаларда чакана савдо, жамоат овқатланиш соҳаси ҳамда маҳсулотларни тақсимлаш тизими вазифалари Ишчи таъминоти бўлимларига (ИТБ) топширилган. Юқори даражада марказлаштирилган ИТБ амалда асосий функцияси ресурсларни тақсимот қилишдан иборат эди. ИТБларга корхона директорининг ўринбосарлари раҳбарлик қилиб, унинг алоҳида аппарати бўлган. Тақсимот ва назорат функцияларининг корхона раҳбарияти вакили қўлида тўпланиши саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда суиистеъмолликлар учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Жумладан, 1944 йилда СССР Халқ Комиссарлари Советининг Давлат савдо назорати органи иттифоқ ва республика бўйсунувидаги тўқимачилик корхоналарининг ишчи таъминот бўлимларини атрофлича текширувдан ўтказди. Мазкур текширув давомида маҳсулотлар нархини сунъий равишда ошириш, тортишда алдаш, санитария-гигиена меъёрларига мунтазам риоя қилмаслик, раҳбарият томонидан аҳолига карточкалар орқали тарқатилиши лозим бўлган маҳсулотлардан фойдаланиб зиёфатлар уюштириш каби кўплаб қонунбузарликлар аниқланди [2].

Масаланинг қонунбузарликларни дастаклайдиган томони шундаки, аниқланган кўплаб қоидабузарликлар қонунчиликда белгиланган тегишли тарзда жазоланмас ҳам эди. Айбдорларнинг жазоланиши одатда, ҳайфсан ёки арзимас жарималар билан чекланиб қолган. Бу эса уруш шароитида бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлар учун назорат ва жазо тизими етарлича самарали эмаслигини кўрсатиб берди. Эътиборга молик томони озиқ-овқат маҳсулотлари билан қонунбузарлик аслида аҳоли ўртасида карточка тизими фаолиятида адолатни таъминлаши керак бўлганлар томонидан содир этилган.

Ишчи таъминоти бўлимлари бошқарув аппаратининг шаклланиши ортиқча бюрократик тузилманинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида, ушбу самарасиз тизимни сақлаб туриш учун мақсадсиз молиявий маблағлар ажратилди. Хусусан, 1943 йилда Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналари маъмурий-бошқарув ходимларининг жами ойлик иш ҳақи фонди 9495 рублни ташкил этган. Ушбу ҳолат бошқарув аппаратини сақлаш учун сезиларли миқдордаги молиявий маблағлар сарфланганлигидан далолат беради [3].

Қатъий изъархия ва марказлашган назоратга асосланган совет давлат бошқаруви тизимида барча хўжалик фаолияти субъектлари тегишли давлат органларининг тасарруфида бўлган. Ишчиларни таъминлаш бўлимларини ишини мувофиқлаштириш ва бошқариш мақсадида Халқ Комиссарликлари ҳузурида Ишчиларни таъминлаш Бош бошқармалари (қисқача рус тилида “главурс”лар) ташкил этилди.

Ишчиларни таъминлаш бўлимлари икки томонлама бўйсунуш шароитида фаолият олиб борган: бир томондан, улар фаолият юритаётган корхона директорида, бошқа томондан эса юқори турувчи Ишчиларни таъминлаш Бош бошқармасига бўйсунган. Таъкидлаш жоизки, ОРС (Ишчиларни таъминлаш бўлими)ни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш давлат томонидан биринчи навбатда амалга оширилган, бу эса мазкур тузилманинг давлат таъминоти тизимидаги муҳим ўрнини кўрсатиб турарди.

Алоҳида эътибор ҳолатида ҳам давлат томонидан етказиб берилган маҳсулот ҳажми озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш учун етарли эмасди. Шу боис ОРС озиқ-овқат захираларини тўлдиришнинг номарказлаштирилган усуллари фаол равишда ривожлантирди. ОРС ихтиёрида совхозлар, томорқа хўжаликлари ва иссиқхона мажмуалари мавжуд эди. Табиий шароити қулай бўлган ҳудудларда ОРС балиқчилик ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Жумладан, 1944 йилда Қурол-яроғ халқ комиссарлиги корхоналари

қошидаги ОРС жамоат овқатланиш корхоналарида сабзавотга бўлган эҳтиёжнинг 60 фоизи томорқа хўжаликларидан олинган маҳсулотлар ҳисобига таъминланди [1; 60].

Давлат томонидан ОРСларни қўллаб-қувватлаш доирасида томорқа хўжаликлари давлат олдидаги бир қатор мажбуриятлардан озод қилинди. Корхона раҳбарларига ушбу хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни тақсимлаш бўйича кенг ваколатлар берилди. Масалан, директорлар кунлик меҳнат меъёрларини мунтазам ошириб бажараётган ишчиларга қўшимча тушлик ёки озиқ-овқат маҳсулотлари бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча воситасига айланди.

Корхонанинг савдо шохобчалари, умумий овқатланиш жойлари, омборхоналар ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари каби инфратузилма объектлари ОРС ихтиёрига берилди. Берилган активлар таркибига уларга тегишли моддий ресурслар ва транспорт воситалари ҳам киритилди. Бу эса корхона ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий соҳани яхлит бошқаришни таъминлади.

1942 йил охирига келиб СССР етакчи саноат тармоқлари таркибида 1986 та ОРС фаолият кўрсатган. 1943 йил 1 январь ҳолатига кўра, ОРСлар бошқаруви остида тахминан 17,5 минг дўкон, 4,3 минг савдо дўкончаси ва 17,2 минг умумий овқатланиш корхонаси мавжуд эди. 1945 йилнинг биринчи ярмида давлат ва кооператив савдоси тузилмасида ОРСларнинг улуши 27,5 фоизга етди. Бу 1942 йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичга нисбатан сезиларли ўсишни ифодалайди, чунки ўша пайтда мазкур кўрсаткич 17,8 фоизни ташкил этган эди [1; 62]. Уруш йилларида ОРС нисбатан автоном тизимга айланиб бориб, ўзини ўзи таъминловчи ёпиқ тузилма хусусиятлари хос бўлди. 1941-1943 йиллар оралиғида СССР ҳудудидаги 550 дан ортиқ совхоз ва колхозлар ОРС тизимига қўшиб олинди [4; 133].

Моддий-техник ресурсларни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида савдо ташкилотларидан малакали мутахассислар ОРС таркибига ўтказилди. Бу таъминот соҳасидаги касбий маҳорат ва малака даражасини сезиларли ошириш имконини берди. ОРС раҳбарларига кенгайтирилган ваколатлар берилди ва уларга таъминот масалалари бўйича директор ўринбосари вазифаси юклатилди. Шу туфайли улар озиқ-овқат ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш жараёнларини самарали мувофиқлаштира олдилар. Бу эса ўз навбатида жамоат овқатланиш тизимининг барқарор ишлаши ва ривожланишини таъминлади.

Корхона ёки ташкилот ходимлари муайян савдо шохобчалари ва жамоат овқатланиш корхонасига бириктирилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан нон ва нон маҳсулотларини, фақат маълум ходимга бириктирилган дўконлардан сотиб олиш мумкин эди. ОРС таркибидаги жамоат ошхоналарига кириш эса фақат махсус рухсатномалар асосида амалга ошириларди. Ишнинг бу тарзда ташкил этилиши ижобий ва салбий томонларга эга эди. Бир томондан, у ташкилий тузилмани такомиллаштириш ва ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Муайян истеъмолчиларни аниқ савдо нуқтаси ёки жамоат овқатланиш корхоналарига бириктириш савдо корхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини нисбатан осонроқ башорат қилиш, жамоат овқатланиш корхоналарига эса ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имконини берарди. Бу истеъмолчиларга карточкада кўрсатилган маҳсулотларни етарли миқдорда олишини таъминларди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий тақчиллиги ва логистика қийинчиликлар шароитида мазкур ёндашув савдо нуқталари ва жамоат овқатланиш корхоналари фаолиятини самарали назорат қилишни осонлаштирди.

Бошқа томондан эса, бу ҳолат кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатди. Сабаби муайян савдо шохобчалари ва овқатланиш масканларига киришнинг чекланиши рақобатнинг сусайишига ва натижада маҳсулотлар ҳамда хизмат кўрсатиш сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин эди. Жумладан, савдо ходимларининг истеъмолчиларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилди. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасида касбий ахлоқ тамойиллари бузилганлигидан далолат берарди.

СССР товар айланмаси тизимида ёпиқ тузилмалар уруш бошланишидан аввал ҳам мавжуд бўлиб, Продснаб деб номланган. Продснаб кўлами ва ҳажми анча чегараланган бўлиб, 1940 йилда яппи чакана савдода улуши 8 фоизни ташкил этди. Урушнинг бошланиши ёпиқ тақсимот тизимини кенгайтириш учун кучли туртки бўлди. 1943 йилга келиб, чакана савдо айланмасида ОРС ва Продснабнинг улуши 30% га, жамоат эса 47 фоизга етди. Бу кўрсаткичлар ёпиқ тузилмаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотида улуши ва аҳамияти кескин ошганини яққол кўрсатади [4; 102].

ОРС тизимида камчиликлар ҳам мавжуд эди. Озиқ-овқат, айниқса нон таъминотидаги узилишлар нафақат катта шаҳарларга, балки муҳим ирригация ва гидроэнергетика иншоотлари қурилишларида ҳам содир бўлди. 1942 йил 24 июндан бошлаб Қуйибўзсув ГЭСи қурилишига жалб қилинган ишчи ва колхозчиларни нон билан таъминлашда муаммолар юзага келди. 24 июнь куни Мирзачўл, Чиноз ва Ўрта Чирчиқ туманлари колхозчилари умуман нон ололмай, нон эртаси куни тушдан кейин етказиб берилди. 25-26 июнь кунлари ОРС ходимларининг хатти-ҳаракатлари туфайли 200 га яқин қурувчи нон олиш имкониятидан маҳрум бўлди [5].

1942 йилдан бошлаб ОРСлар мавжуд бўлган корхоналарда жамоатчилик назорати тизими жорий этилди. Совет Иттифоқи миқёсида бу назоратни амалга ошириш учун 600 мингга яқин аҳоли жалб қилинди. Ҳар бир корхонада назоратчиларнинг уч гуруҳи фаолият олиб борди: биринчиси ошхона ишини, иккинчиси дўкон фаолиятини, учинчиси эса озиқ-овқат карточкаларини тарқатиш жараёнини назорат қилди. Иш ташкил этилиши мунтазам навбатчилик шаклида амалга оширилди. Жамоатчилик назоратчилари маҳсулотларни етказиб бериш, қабул қилиш ва сақлаш жараёнларини кузатиш, савдо биноларида санитария меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва тарқатишни назорат қилиш каби вазифаларни бажарганлар.

Уларга юклатилган вазифаларнинг кенг рўйхатига қарамай, жамоатчилик назоратчиларининг фаолияти расмийлаштирилган билан ажралиб турарди. Улар ўз куч-ғайратларини фойдали ва аҳамиятли вазифаларни бажаришга ёки шахсий дам олишни ташкил этишга қаратиш ўрнига, ортиқча ва амалда кераксиз назорат билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Жамоатчилик назоратчилари аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини қўллаш ваколатига эга эмасди. Натижада, улар савдо тизимида ортиқча ва самарасиз назорат механизмига айланиб қолдилар.

ХУЛОСА

Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941-1945 йй.) озиқ-овқат ва моддий ресурсларнинг кескин тақчиллиги шароитида ОРС (Ишчи таъминоти бўлимлари) каби ёпиқ тақсимот тизимларининг ташкил этилиши Ўзбекистон ССРнинг стратегик саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари ишчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни кафолатли маҳсулотлар билан таъминлашда салмоқли роль ўйнади. Ушбу тизим марказлашган давлат таъминотидан ташқари, ички имкониятларни – ОРС таркибидаги совхоз, томорқа ва иссиқхона хўжаликларини сафарбар этиш орқали ишчилар саломатлиги ва жисмоний меҳнат қобилиятини сақлаб қолишда, илғор меҳнаткашларни қўшимча тушликлар билан рағбатлантиришда муҳим ижтимоий ҳимоя воситасига айланди. Шунга қарамай, бошқарув ва тақсимот функцияларининг корхона маъмурияти қўлида тўпланиши тизим ичида ортиқча бюрократик харажатлар, маҳсулотлар нархини сунъий ошириш ва таъминотда узилишлар каби камчиликлар ҳам учради.

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Любимов А.В. Торговля и снабжение в годы Великой Отечественной войны. – Москва: Экономика, 1968.
2. ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310- йиғмажилд, 80об-варақ.
3. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3750 йиғмажилд, 101-варақ.
4. Чернявский У.Г. Война и продовольствие: снабжение городского населения в Великую Отечественную войну (1941-1945 гг.). – Москва: Наука, 1964.
5. “Қизил Ўзбекистон”. 1943 йил 1 июл. №10.

Солиев М.М.

Независимый исследователь Координационно-методического центра по
вопросам «Новейшей истории Узбекистана»

Академия наук Республики Узбекистан

s.mahmudjon.1202@gmail.com

ЗАКРЫТАЯ СИСТЕМА РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВИЯ КАК ФАКТОР СОЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКИ РАБОЧИХ: ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОТДЕЛОВ РАБОЧЕГО СНАБЖЕНИЯ (1941–1945 ГГ.)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль отделов рабочего снабжения (ОРС) в обеспечении социальной поддержки и продовольственного снабжения рабочих стратегических предприятий промышленности, строительства и транспорта в годы Второй мировой войны (1941–1945 гг.). Исследуются процессы формирования централизованной и закрытой системы распределения в условиях военного дефицита продовольствия, их правовой и финансовый статус, управленческая иерархия, а также опыт мобилизации внутренних ресурсов через подсобные хозяйства.

Ключевые слова: Вторая мировая война, отдел рабочего снабжения (ОРС), закрытая система распределения, социальная поддержка, подсобные хозяйства, общественный контроль, дефицит продовольствия.

Soliev M.M.

Independent researcher at the coordinating and methodological center for the
«Modern history of Uzbekistan»

Academy of sciences of the Republic of Uzbekistan

s.mahmudjon.1202@gmail.com

THE CLOSED SYSTEM OF FOOD DISTRIBUTION AS A FACTOR OF SOCIAL SUPPORT FOR WORKERS: THE ACTIVITIES OF WORKERS' SUPPLY DEPARTMENTS (1941–1945)

ABSTRACT

This article analyzes the role of Workers' Supply Departments (*Otdel Rabocheho Snabzheniya* – ORS) in providing social support and food supplies to workers in strategic industrial, construction, and transport enterprises during the Second World War (1941–1945). It examines the formation of a centralized and closed distribution system under the conditions of wartime food shortages, investigates their legal and financial status, explores the administrative hierarchy, and evaluates the experience of mobilizing internal resources through auxiliary farms.

Key words: Second World War, Workers' Supply Department (ORS), closed distribution system, social support, auxiliary farms, public control, food shortage.